

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 339.138:658 (575.1)

**РАШИДОВ ФАРРУХ ИСМОИЛОВИЧ**


**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг  
08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
даражасини олиш учун тайёрланган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Фаттахов Адихамжон  
Азизович, иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор



Тошкент – 2022 йил

## МУНДАРИЖА

### I БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ..... 12

§ 1.1. Акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари моҳияти ва аҳамияти ..... 12

§1.3. Акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг илғор хорижий тажрибалари ..... 47

Биринчи боб бўйича хулоса ..... 56

### II БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ..... 58

§2.1. «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолияти таҳлили ..... 58

§2.2. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида маркетинг стратегиялари ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий этиш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили ..... 70

§2.3. “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари таҳлили ..... 78

Иккинчи боб бўйича хулосалар ..... 82

### III БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 84

§3.1. “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖда самарали маркетинг стратегияларини яратиш ва жорий этиш ..... 84

§3.2. “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятида маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш ..... 96

Учинчи боб бўйича хулоса ..... 124

Хулоса ..... 126

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ..... 129

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жахонда иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш орқали рангли металлларга бўлган эҳтиёжни қондиришга ҳисса қўшиш йиллар давомида ортиб бормоқда. “Жахонда иккиламчи мис рангли металини йиғиш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2015 йилда 5,9 миллион тоннадан 8,3 миллион тоннага яъни 41% га ошган бўлса, иккиламчи алюминий рангли металини йиғиш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2015 йилда 8,4 миллион тоннадан 15,6 миллион тоннага яъни 86% га ошган ошган”<sup>1</sup>. “2018 йилда дунё иккиламчи рангли металллар бозори ҳажми 90,0 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди”<sup>2</sup>. Бу эса, атроф муҳитни ва табиатни асраш, қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, самарали бошқарув тизимини шакллантириш, маркетинг стратегияларидан самарали ва кенг қўламли фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш сингари масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

Жахон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, инновацион жараёнларни бошқариш, янги технологияларни жорий этиш, иккиламчи металл маҳсулотларини кўпроқ йиғиб олиш бўйича самарали иш тизимини ташкил этиш, замонавий юқори самарадорликка эга машина ва ишлаб чиқариш технологияларини ишга тушириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда иккиламчи рангли металлларни йиғиш ва қайта ишлаш билан ҳорижий инвестициялар иштирокидаги “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти шуғулланиб, бугунги кунда “йилига 25,4 минг тоннадан ортиқ иккиламчи рангли металл йиғилиб қайта ишлаб келинмоқда”<sup>3</sup>. Республикамиздаги “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти ва бошқа акциядорлик жамиятлари бозорда ўз ўрнини мустаҳкам

<sup>1</sup> GLOBAL NON-FERROUS SCRAP FLOWS 2000-2015 with a focus on Aluminium and Copper by Sue Eales of World Bureau of Metal Statistics in 2016.

<sup>2</sup> <https://www.bir.org/the-industry/non-ferrous-metals>

<sup>3</sup> “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятидан олинган маълумотлар